


Бухоро Ислом цивилизацияси бешиги



10:30 / 28.05.2020 1482

Жорий йилнинг 28-29 май кунлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Бухоро давлат университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг ICESCO ва IRCICA ташкилотлари ҳамкорлигида «**Бухоронинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундаги ўрни**» мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн видео-конференцияси ташкил этилмоқда.



«Бухоро - 2020 йилда Ислom олами маданияти пойтахти» йилининг дастлабки тадбири сифатида ташкил этилаётган видео-конференцияга 20 га яқин хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасидан жами 100 га яқин илмий-тадқиқот марказлари, академия, университет ва институт профессор-олимлари, халқаро эътирофга эга мутахассислар иштирок этадилар.